

АБЖАД — араб алифбосидаги дастлабки тўрт харф. Утмишдаги мактабларда араб алифбосидан савод чикариш «абжад ўкиш»дан бошланган; алифбо ўрганаётган болалар «абжадхон» деб юритилган. Араб алифбосидаги харфлар шартли равишда саккиз гурухга ажратилиб, хар бир гурух маҳсус ном билан аталган, яъни: абжад, хавваз, хутти, каламан, саъфас, карашат, саххаз, зазаг. Факат ундошлар билан ифодаланиб, араб алифбосидаги 28 та харфни ўз таркибига олган мазкур саккизта сўз ўрганувчилар ишини осонлаштириш учун ўйлаб топилган. Ушбу харфлар бирикмаси сўз шаклида бўлишига карамай, хеч кандай мустакил маъно ифодаламайди.